


РАМАЗОН ШУКУҲИ



13:24 / 12.04.2021 2365

Ҳурматли Қуръон Карим мухлислари!

2021 йилнинг 13 апрель кунидан бошлаб муборак Рамазон ойи шарофати билан «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида сиз, азизлар учун таровеҳ намозлари билан бир қаторда «Рамазон тухфаси» номли илмий суҳбатлар ҳам ташкил этилади.

Бу йилги Қуръони Карим хатмонасини юртимизнинг Қуръон ҳофизларидан Ҳамидуллоҳ қори Арипов ва «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қорилар гўзал, оташнафас, қалбларга шукуҳ бағишловчи қироатлари билан ўтказиб беришади.

Мазкур Қуръон қироатлари ва Рамазон суҳбатлари «Uztelecom» компанияси, ITV, TAS-IX ҳамкорлигида ва hazratim.uz, islom.uz, quran.uz ижтимоий тармоқ саҳифаларида онлайн тарзда эфирга узатилади.

Таровеҳ намози соат 21:00 да бошланади.

Мана шундай ҳузурбахш кунларда Аллоҳ таолонинг каломи тиловатидан ҳаловат топишни, Рамазон ойи баракотидан насибадор бўлишимизни Ҳақ таоло барчамизга муваффақ қилсин!

Рамазон ойи муборак бўлсин, азиз юртдошлар!